



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil « 23 » сентябрь

№ПФ–143

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида

Республикада барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланганлиги камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратди. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилинди.

Ҳудудларда аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг натижадорлигига эришишда янгича ёндашув ва тўпланган миллий тажрибани қўллаш чора-тадбирларини янада юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Аҳолининг юқори даромадли барқарор иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион ва рақамли технологияларга асосланган таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши, барча қатламларнинг тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2024 йилнинг қолган даврида **500 минг**, 2025 йилда **1 миллион нафар аҳолини** камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг камбағалликни қисқартириш соҳасида эришилган ижобий натижалар ва тўпланган миллий тажриба ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган **“Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Дастур **2024 йил 1 ноябрдан** бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи **“Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият”** тамойили асосида амалга оширилади:

барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш – тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ҳар бир маҳаллага етакчи тадбиркорларни жалб қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш, ҳар бир туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи камида 5 тадан “драйвер” лойиҳаларни амалга ошириш, қўшимча 50 минг гектар экин майдонларини камбағал оилаларга ижарага бериш, уларга кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларни бўлиб тўлаш шарти билан бериш;

таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш – 2024–2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражасини **80 фоизга** етказиш, оиланинг камида битта фарзандини хорижий тилларга, касб-ҳунарга ёки мутахассисликка ўқитиш, битта фарзанди, хусусан, қиз фарзандининг олий маълумотга эга бўлиши учун шароит яратиш, болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш, ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларида ўқиши учун шароит яратиш, шу жумладан, мактабларда тўғараклар ташкил этиш;

кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш – камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтиши, уларнинг ўз соғлиғи учун масъулиятини ошириши (кундалик турмуш тарзи ва овқатланишда зарарли одатлардан воз кечиши), ҳар бир фарзанди спорт тўғаракларига қатнашиши учун имкониятлар яратиш, оиланинг тиббий хизматларга ўз ҳисобидан сарфлайдиган харажатларини икки баробар қисқартириш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш – ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш, хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш, болаларни тарбиялаш ва кундузги парваришlash хизматларини йўлга қўйиш;

яшаш шароитларини яхшилаш – ипотека тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, маҳаллаларда экологик тоза материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий **“яшил” тураржойларни** қуриш ёки реконструкция қилиш, тоза ичимлик сувни етказиш, хонадонларда энергия тежовчи **инновацион ёритиш, иситиш ва иссиқ сув таъминоти** ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини жорий этиш;

давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш – томорқаларни суғориш суви, маҳаллани электр энергияси ва интернет билан узлуксиз таъминлаш ҳамда унинг туман маркази билан транспорт жиҳатидан боғланганлигини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, ҳудудларни жадал комплекс ривожлантириш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш – барча бўғиндаги давлат ҳокимияти органлари камбағал оилалар билан мунтазам тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши, бирдамликда ҳаракат қилиши ҳамда раҳбарларни камбағал оилаларга бириктириш, уларнинг муаммоларини биргаликда ечишга кўмаклашиш.

3. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича **республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари Республика ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари этиб белгилансин.

Комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Дастурнинг ижроси юзасидан республика ва маҳаллий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш;

Дастурда назарда тутилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан барча даражадаги идора ва ташкилотларнинг, шунингдек, камбағал оилаларга ва маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;

ҳар ой якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида амалга оширилиши таклиф этилаётган вазифалар юзасидан ахборот киритиб бориш.

4. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) бир ой муддатда ҳар бир вазирлик ва идоранинг ўз функционал вазифасидан келиб чиқиб, Дастурнинг тегишли йўналиши бўйича белгиланган имкониятларни рўёбга чиқариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган “Камбағалликни қисқартириш бўйича соҳавий йўл хариталари”нинг тасдиқланишини таъминласин ҳамда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлардаги махсус вакиллари (Ғ.Мирзаев, Д.Қодиров, К.Куранбаев, А.Бобоев) ижро органлари ва камбағал оилалар ўртасида мунтазам тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга масъул этиб белгилансин.

5. Белгилансинки, 2024 йил 1 декабрдан бошлаб “маҳалла еттилиги” томонидан камбағал оилаларнинг ижтимоий шароити ва камбағалликка тушиш сабабларини ўрганиш натижасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Камбағал оилалар реестри шакллантирилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **икки ой муддатда** аҳолини Камбағал оилалар реестрига киритиш ва чиқаришнинг мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Комиссияга киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб:

а) кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам олаётган оилаларнинг расмий банд бўлмаган аъзолари ишга жойлашганда, ўзини ўзи банд қилганда ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганда ушбу нафақа ва моддий ёрдамни уларнинг муддати тугагунга қадар, бироқ **6 ойдан кўп бўлмаган муддатга** тўлаш давом эттирилади;

б) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга жойлашган Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси учун ижтимоий солиқ уч йил давомида 1 фоиз ставкада тўланади;

в) камбағал оилаларга кўмак чоралари **ижтимоий шартнома** асосида меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш, ўз томорқасидан самарали фойдаланиш (экин экиш), оила аъзолари, шу жумладан, фарзандларининг билим олиши, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиши ҳамда соғлиғини назоратга олиши, уй-жойини озода тутиши каби шартлар инobatга олинган ҳолда кўрсатилади.

Бунда ижтимоий шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, ижтимоий ёрдам ва хизматлар (ижтимоий нафақадан ташқари) кўрсатиш тўхтатилади.

7. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар даромадини оширишга қаратилган харажатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда **ижтимоий шартномани** амалиётга жорий этиш **тартибини тасдиқлаш** учун Комиссияга киритсин;

оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан бандликни талаб қилган ҳолда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида **2025 йил учун ишлаб чиқиладиган давлат дастури** “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда ишлаб чиқилишини таъминласин.

Бунда **бир ой муддатда** ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида маҳаллий ҳокимликлар фаолиятининг натижадорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш билан бирга молиявий, иқтисодий ва маъмурий ваколатлари ҳамда имкониятларини кенгайтиришга қаратилган янгича тизимни назарда тутувчи Фармон лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯ ТАРКИБИ**

- Ж. Қўчқоров – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
– иқтисодиёт ва молия вазири, *Республика комиссияси раиси*
- М. Оллоёров – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси
– Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори, *Республика комиссияси раисининг ўринбосари*
- Ш. Мирзиёева – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари
- И.Адхамов – Бош прокурор ўринбосари
- А. Бобоев – Ҳисоб палатаси раиси
- А. Ташкулов – адлия вазири
- Лавозимига кўра* – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
- А. Худаяров – соғлиқни сақлаш вазири в.б.
- И. Абдурахмонов – қишлоқ хўжалиги вазири
- Х. Умарова – мактабгача ва мактаб таълими вазири
- К. Шарипов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири
- Ш. Шерматов – рақамли технологиялар вазири
- П.Бобожонов – ички ишлар вазири
- И.Норқулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
- Л.Кудратов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири
- И.Маҳкамов – транспорт вазири
- Ж.Мирзамаҳмудов – энергетика вазири
- Ш.Хамраев – сув хўжалиги вазири

- Д.Қосимов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
- Д.Ваҳобов – Савдо-саноат палатаси раиси
- К. Куранбаев – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси
- О. Хасанов – Республика Маънавият ва маърифат маркази директори
- А. Ходжаев – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори
- А. Джурабаев – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
- О. Парпибаева – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси
- А. Саъдуллаев – Ёшлар ишлари агентлиги директори
- Н. Сайдуллаев – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
- С. Аннакличев – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқарув раиси
- А. Мирсоатов – “Ўзмилийбанк” АЖ бошқарув раиси
- Ш. Атабаев – АТ “Халқ банки” бошқарув раиси
- Р. Маматқулов – “Агробанк” АТБ бошқарув раиси
- О. Бўтаев – “Микрокредитбанк” АТБ бошқарув раиси
- Қ. Туляганов – “Асакабанк” АЖ бошқарув раиси
- А. Акбаржонов – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқарув раиси
- Ч. Мирзаев – “Туронбанк” АТБ бошқарув раиси
- К. Ирисбекова – АТ “Алоқабанк” бошқарув раиси
- Лавозимига кўра* – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари, *Республика комиссияси масъул котиби*

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil « 23 » сентябры

№УП–143

О выведении на новый этап мер по сокращению бедности и повышению благосостояния населения

Обеспечение устойчивых и высоких темпов экономического роста в республике создало возможность для сокращения уровня бедности с 23 процентов в 2019 году до 11 процентов в 2023 году. Поставлена цель – к концу 2025 года сократить уровень бедности до 6 процентов.

Для выведения на более высокий этап мер применения новых подходов и накопленного национального опыта в обеспечении результативности программ улучшения условий быта населения, развития предпринимательства, сокращения бедности и социальной поддержки в регионах:

1. Определить первостепенной задачей государственной социально-экономической политики, государственных органов и организаций всех уровней выведение из бедности **500 тысяч** жителей в оставшийся период 2024 года, **1 миллиона** – в 2025 году за счет осуществления комплексных мер в направлениях обеспечения занятости населения высокодоходной стабильной работой, создания условий для получения образования и овладения профессией молодежи, основанных на инновационных и цифровых технологиях, доступа всех слоев населения к медицинским и социальным услугам, а также развития инфраструктуры махаллей.

2. Одобрить предложение Министерства занятости и сокращения бедности, Министерства экономики и финансов, а также Национального агентства социальной защиты о реализации Программы «**От бедности к благополучию**» (далее – Программа), направленной на призыв каждого гражданина ответственно подходить к своему будущему и будущему своих детей и создание возможности для реализации ими своего потенциала, на основе достигнутых положительных результатов и накопленного национального опыта, а также передовой международной практики в сфере сокращения бедности.

Определить, что начиная с **1 ноября 2024 года** Программа реализуется на основе принципа **«Семь возможностей и ответственность для бедных семей»**, предусматривающего:

стабильную занятость и достижение получения высокого дохода – установление с предпринимателями взаимовыгодного сотрудничества и привлечение ведущих предпринимателей в каждую махаллю, эффективное использование приусадебных земель, реализацию в каждом районе и городе по не менее пяти драйверных проектов, служащих импульсом социально-экономическому развитию, предоставление в аренду бедным семьям дополнительно 50 тысяч гектаров посевных площадей, с условием оплаты в рассрочку таких средств, как оборудование для малого производства, передвижные магазины, мотороллеры, скутеры;

получение образования и овладение профессией – доведение в 2024–2025 годах до **80 процентов** уровня охвата детей из бедных семей дошкольным образованием, обучение не менее одного ребенка из семьи иностранным языкам, профессии или специальности, создание возможности для получения одним ребенком, в частности девочкой, высшего образования, обучение детей компьютерной грамотности, создание условий для посещения учебных курсов по информационным технологиям и программированию, в том числе организацию кружков в школах;

доступ к гарантированному государственному медицинскому обслуживанию – создание возможностей для прохождения каждым членом бедных семей полного медицинского осмотра один раз в год, повышения их ответственности за собственное здоровье (отказ от вредных привычек в повседневном образе жизни и питании), посещения каждым ребенком спортивных кружков, а также сокращение в два раза расходов семьи, затрачиваемых на медицинские услуги за собственный счет;

доступ к социальным услугам – предотвращение факторов, ограничивающих возможность осуществления трудовой деятельности семьями, путем расширения объема социальных услуг и помощи, в частности налаживание патронажа на основе дневного посещения лиц, нуждающихся в постороннем уходе, услуг воспитания и дневного ухода за детьми;

улучшение условий жизни – расширение доступа к ипотечной системе, строительство или реконструкцию современных **«зеленых» жилых домов** в махаллях с использованием экологически чистых материалов и технологий, подведение чистой питьевой воды, внедрение в домохозяйствах энергосберегающих **инновационных систем освещения, отопления и горячего водоснабжения**, а также переработки отходов;

развитие государством инфраструктуры махаллей – бесперебойное обеспечение электрической энергией и интернетом, водой для орошения приусадебных земель, а также улучшение транспортного сообщения махалли с районным центром, ремонт внутренних дорог, поэтапную реализацию программ ускоренного комплексного развития регионов;

прямой диалог с работниками государственных органов – установление органами государственной власти всех звеньев регулярной прямой связи с бедными семьями, осуществление ими совместных действий и прикрепление руководителей к бедным семьям, оказание содействия совместному решению их проблем.

3. Создать Республиканскую комиссию по реализации Программы «От бедности к благополучию» (далее – Комиссия) в составе согласно приложению, определить Министерство занятости и сокращения бедности и его территориальные органы рабочим органом Республиканской и территориальных комиссий.

Возложить на Комиссию следующие задачи:

координацию деятельности организаций республиканского и местного значения по исполнению Программы, изучение проведенной работы по выведению из бедности с выездом на места;

определение показателей эффективности деятельности ведомств и организаций всех уровней, а также руководителей, прикрепленных к бедным семьям и махаллям, по реализации возможностей, предусмотренных Программой;

внесение в Администрацию Президента Республики Узбекистан по итогам каждого месяца информации о проделанной работе и задачах, предлагаемых к последующей реализации.

4. Кабинету Министров (Арипов А.) в месячный срок исходя из функциональных задач каждого министерства и ведомства обеспечить утверждение «отраслевых дорожных карт по сокращению бедности», направленных на реализацию возможностей, предусмотренных по соответствующему направлению Программы, и достижение целевых показателей, а также осуществлять контроль за их своевременной и качественной реализацией.

Определить специальных представителей Президента Республики Узбекистан в регионах (Мирзаев Г., Кадиров Д., Куранбаев К., Бобоев А.) ответственными за установление регулярной прямой связи между исполнительными органами и бедными семьями.

5. Определить, что с **1 декабря 2024 года** Национальным агентством социальной защиты по результатам изучения «махаллинской семеркой» социальных условий бедных семей и причин попадания в бедность формируется Реестр бедных семей.

Национальному агентству социальной защиты и Министерству занятости и сокращения бедности в **двухмесячный срок** разработать и внести на утверждение в Комиссию критерии включения и исключения населения из Реестра бедных семей.

6. Установить порядок, в соответствии с которым с **1 января 2025 года**:

а) при трудоустройстве, самозанятости, налаживании предпринимательской деятельности официально не занятыми членами семей, получающих пособия и материальную помощь на детей из малообеспеченных семей, выплата данных пособий и материальной помощи продолжается до окончания срока их выплаты, но **на срок не более 6 месяцев**;

б) на члена семьи, включенной в Реестр бедных семей, трудоустроившегося на работу с ежемесячной заработной платой в размере не менее 1,5-кратного минимального размера оплаты труда, социальный налог уплачивается по ставке 1 процент в течение трех лет;

в) меры поддержки бедным семьям оказываются на основе **социального договора** с учетом таких условий, как обеспечение занятости трудоспособных членов семьи, эффективное использование своих приусадебных земель (посев культур), получение образования, овладение профессией и изучение иностранных языков членами семей, в том числе детьми, а также контроль за их здоровьем, содержание в чистоте их жилья.

При этом в случаях невыполнения условий социального договора оказание социальной помощи и услуг (кроме социального пособия) прекращается.

7. Национальному агентству социальной защиты совместно с Министерством занятости и сокращения бедности, Министерством экономики и финансов в **двухмесячный срок** внести:

в Комиссию на утверждение **порядок** внедрения в практику **социального договора** с проведением глубокого анализа расходов, направленных на государственную социальную поддержку и повышение доходов населения;

в Кабинет Министров на утверждение перечень социальных услуг и помощи, предоставляемых с требованием занятости от трудоспособных членов семьи.

8. Министерству экономики и финансов совместно с министерствами и ведомствами, а также Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента обеспечить разработку государственной программы на 2025 год в рамках Стратегии «Узбекистан–2030» во взаимоувязке с Программой «От бедности к благополучию», а также программами развития регионов и отраслей.

При этом **в месячный срок** внести проект Указа, предусматривающий новую систему, направленную на обеспечение результативности деятельности местных хокимиятов по социально-экономическому развитию регионов, повышение их ответственности и подотчетности, а также расширение финансовых, экономических и административных полномочий и возможностей.

9. Эффективную организацию и контроль за исполнением настоящего Указа возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

**СОСТАВ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ КОМИССИИ
по реализации Программы «От бедности к благополучию»**

- Кучкаров Д. – заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан – министр экономики и финансов, *председатель Республиканской комиссии*
- Оллоёров М. – советник Президента Республики Узбекистан – директор Национального агентства социальной защиты, *заместитель председателя Республиканской комиссии*
- Мирзиёева Ш. – первый заместитель директора Национального агентства социальной защиты
- Адхамов И. – заместитель Генерального прокурора
- Бобоев А. – председатель Счетной палаты
- Ташкулов А. – министр юстиции
- По должности* – министр занятости и сокращения бедности
- Худаяров А. – и.о. министра здравоохранения
- Абдурахмонов И. – министр сельского хозяйства
- Умарова Х. – министр дошкольного и школьного образования
- Шарипов К. – министр высшего образования, науки и инноваций
- Шерматов Ш. – министр цифровых технологий
- Бобожонов П. – министр внутренних дел
- Норкулов И. – первый заместитель министра экономики и финансов
- Кудратов Л. – министр инвестиций, промышленности и торговли
- Махкамов И. – министр транспорта
- Мирзамахмудов Ж. – министр энергетики
- Хамраев Ш. – министр водного хозяйства

- Касымов Д. – Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства
- Вахабов Д. – председатель Торгово-промышленной палаты
- Куранбаев К. – председатель Ассоциации махаллей Узбекистана
- Хасанов О. – директор Республиканского центра духовности и просветительства
- Ходжаев А. – директор Агентства информации и массовых коммуникаций
- Джурабаев А. – председатель Национальной телерадиокомпании Узбекистана
- Парпибаева О. – председатель Комитета семьи и женщин
- Саъдуллаев А. – директор Агентства по делам молодежи
- Сайдуллаев Н. – первый заместитель председателя Центрального банка
- Аннакличев С. – председатель правления АКБ «Банк развития бизнеса»
- Мирсоатов А. – председатель правления АО «Узмиллийбанк»
- Атабаев Ш. – председатель правления АК «Халк банки»
- Маматкулов Р. – председатель правления АКБ «Агробанк»
- Бутаев О. – председатель правления АКБ «Микрокредитбанк»
- Туляганов К. – председатель правления АО «Асакабанк»
- Акбаржонов А. – председатель правления АКБ «Узпромстройбанк»
- Мирзаев Ч. – председатель правления АКБ «Туронбанк»
- Ирисбекова К. – председатель правления АК «Алокабанк»
- По должности* – первый заместитель министра занятости и сокращения бедности, ответственный секретарь Республиканской комиссии

Примечание: при переходе членов Республиканской комиссии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций.

